
Қува туманида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди

Қува туманининг Туркровот маҳалласида 300 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Ўқув хоналари кенг, шинам, ёруғ, барча зарурий ўқув жиҳозлари билан таъминланган ва энг муҳими, халқнинг бирдамлиги, ташаббускорлиги меvasи бўлган янги мактабнинг қурилиши кўп йиллик муаммонинг ижобий ечими бўлди.

Мактаб янги биносининг очилишига бағишланган тантанали маросимда Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров, туман прокурори Отабек Тошматов, ота-оналар, тумандаги кенг жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Маросимда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган катта ислохотлар жараёнида, умумтаълим мактаблари учун янги замонавий бинолар қурилишига катта эътибор қаратилаётгани туфайли соҳадаги кўп йиллик муаммолар ҳал этилаётгани таъкидланди.

2022-09-03 13:08:24